

Африкада Қуръони карим маъноларининг чечова тилига таржимаси тарқатилди



17:04 / 03.12.2018 2493

“Ҳадям Қуръон бўлсин” лойиҳаси доирасида Африканинг Малави Республикасида истиқомат қилаётган мусулмонлар учун Қуръони карим маъноларининг чечова тилига қилинган таржималари тарқатилди, деб хабар беради Anadolu Ajansı.

Таржима Туркия Диёнат ишлари бошқармаси ва Диёнат вақфи томонидан тайёрланган.

Африканинг Малави Республикасида 18,5 млн аҳоли истиқомат қилади. Шундан 12,5 фоизини мусулмонлар ташкил қилади.

Диёнат ишлари бошқармасининг маълум қилишича, чечова тилида тарқатилган таржима 5 минг нусхани ташкил этади. Кейинчалик

Мозамбик, Зимбабве ва Анголада яшайдиган мусулмонлар учун ҳам маҳаллий тилларида таржималар қилиб тарқатиш режалаштирилган.

Бошқарма томонидан “Ҳадям Қуръон бўлсин” лойиҳаси доирасида шу кунгача Қуръони каримнинг маънолари таржимаси дунёдаги 24 хил умумий ва маҳаллий тилларга таржима қилинган. Сўнгги ҳисоботларга кўра, Африка, Болқон, Жанубий Америка, Тинч Океани ҳавзасидаги 61 та ўлкада яшайдиган мусулмонларга жами 1 млн 28 минг 281 та Қуръони каримнинг маънолари таржимаси ҳадя қилинган.

Маълум ҳудудлардаги маҳаллий тилларга қилинган таржималар орасидан Шри Ланкадаги тамил, Эфиопиядаги аҳмари, Афғонистондаги дари, Африканинг Малави Республикасидаги чечова тиллари ўрин олган.

Islom.uz портали таҳририяти